

Шаҳзод ИСЛОМОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
мустақил тадқиқотчи

«ИШИД» ТЕРРОРЧИ ТАШКИЛОТИ МЕДИА ТАРҒИБОТИНИНГ МАЗМУНИ ВА ЕТКАЗИШ УСУЛЛАРИ

Яқин Шарқ минтақаси хусусан, мусулмон дунёсидаги барқарор вазиятни издан чиқарган, ваҳшийлик ва жангариликнинг асосий манбаи бўлган “Ироқ ва Шом ислом давлати” террорчи ташкилоти томонидан ўтган 5 йил мобайнида минглаб бегуноҳ инсон йўқ қилинган. Бу террорчи ташкилот 2014-2016 йилларда ўз таркибига жаҳоннинг турли мамлакатларидан 40 000 террорчини жалб этгани билан II жаҳон урушидан кейинги энг йирик трансмиллий конфликт сифатида тарихга кирди¹. Мазкур муаммо ўз моҳиятига кўра нафақат Яқин Шарқ минтақасига тааллуқли, балки унинг таркибида ҳаракат қилаётган жангариларнинг мансублиги нуқтаи назаридан дунёнинг бошқа мамлакатлари, айниқса, Марказий Осиё давлатларини ҳам жиддий ташвиш ва хавотирга солади. Турли алдовлар билан онги заҳарланган шахслар уруш ўчоқларига бориб, Сурия ва Ироқдаги жангари гуруҳлар таркибига қўшилиши, оиласи, яқин қариндошларига ҳам ғоявий таъсир кўрсатишга ҳаракат қилгани ёки муваффақиятсизликка учраганидан сўнг этник ватанига қайтишга уриниши минтақадаги хавфсизлик ва барқарорликка жиддий таҳдид туғдирувчи омиллар сифатида баҳоланади.

“ИШИД” террорчи ташкилоти медиа тарғиботининг мазмуни, аудиторияси, террорчи ташкилот тарғиботига қамраб олинган

аҳолининг турли қатлами айниқса, хотин-қизлар ва болаларнинг бу жараёнга тортилиши бугунги кундаги комплекс ўрганилиши зарур бўлган мавзулар сирасига киради.

“ИШИД” медиа тарғиботининг турли даврларида бир-биридан фарqli турли мавзулар долзарб бўлган ва уларга эътибор қаратилган. Ташкил этилганининг дастлабки даврида ўзини давлат мақомида – расмий ташкилот сифатида кўрсатишга эътибор қаратган бўлса, кейинчалик Ироқ ва Сурия ерларини ноқонуний эгаллаш, ислом “душманлари”ни аёвсиз жазолаш ва адолат ўрнатиш мавзуси етакчилик қилди. “ИШИД”нинг инқироз даврида эса дунёнинг қайси ҳудудида бўлмасин, террорчи ташкилот номидан қўпоровчилик ҳаракатларини амалга оширишга чақириқлар кузатилди.

Террорчи ташкилотнинг диний матнлар қўлланган тарғибот материаллари ислом манбаларини нотўғри талқин қилиш орқали биринчидан, халифаликнинг диний асосларини яратишни мақсад қилган. Иккинчидан эса, террорчи ташкилот амалга оширган жангари ҳаракатларни оқлашга ҳаракат қилган. “ИШИД” террорчи ташкилоти ўз ғояларини асослаш учун диний манбалардан ҳар қанча иқтибос келтирмасин, унинг бирламчи мақсади сиёсий рақибларини йўқ қилиш орқали ҳокимиятга эришиш ҳисобланлиги аниқ далиллар билан асосланган².

Терроризмга қарши кураш маркази (АҚШ) тадқиқотчилари томонидан “ИШИД” эълон

¹ Двадцать четвертый доклад Группы по аналитической поддержке и наблюдению за санкциями, представленный во исполнение резолюции 2368 (2017) по ИГИЛ (ДАИШ), «Аль-Каиде» и связанным с ними лицам и организациям // Совет Безопасности S/2019/570.

² Religious Appeals in Daesh's Recruitment Propaganda // The Carter Center. –Atlanta, September 2016.

қилган 9000 дан ошиқ маълумотлар таҳлил қилинган. Тарқатилган визуал контентнинг 89% - сурат, 10% - видео маҳсулотлар ташкил этган³. Мазмунан ушбу маҳсулотларнинг 48% - ҳарбий мавзуда, 20% - давлат бошқарувига оид, 7% - соф диний мазмунда, 7% - “ИШИД” ноқонуний эгалигидаги ҳудудларда кечаётган ижтимоий ҳаёт ҳақида ва 19% - бошқа мазмундаги маълумотлар эканлиги аниқланган⁴.

“ИШИД” сафига қўшилаётган ёшларнинг асосий қисми диний саводи йўқ, жиҳод тушунчасини хато англаган шахслардир⁵. Эндрю Лебович (Andrew Lebovich) террорчи ташкилот сафида ҳарбий ҳаракатларда иштирок этаётган 3000 дан ошиқ жангариларнинг шахсий маълумотларига таяниб, уларнинг диний саводхонлиги паст экани, ислом илмларига оид тушунчалари саёзлигини таъкидлайди⁶.

Террорчи ташкилот сафида ҳаракат қилаётган жангариларнинг $\frac{3}{4}$ қисми диний саводхонлиги қониқарсиз эканини ошкор қилган⁷. “ИШИД” сафига қўшилганларнинг 70% ўзининг бошланғич диний билимга, 23% ўрта диний билимга эга эканини маълум қилган. Уларнинг 5% диний билими пухта шахслар экани аниқланган бўлса, 2% эса бу ҳақдаги маълумотни ошкор қилмаган⁸.

“ИШИД” медиа маҳсулотлари қуйидаги мақсадларни амалга оширишга қаратилган:

– унинг “ҳақиқий” давлат сифатидаги салоҳиятини яққол кўрсатиш, террорчи ташкилотнинг ғоя ва мақсадларини кенг омма орасида ёйиш, мусулмонлар онгида ўзини

диний манбаларда тавсифи келган, гўёки узок қутилган исломий давлат – халифалик сифатида тасаввур уйғотиш;

– террорчи ташкилот ғояларини қўллаб-қувватловчи, кейинчалик унинг сафини тўлдириши мумкин бўлган янги авлодни мақсадли тарбиялаб бориш;

– радикал ғоялар таъсирига тушган шахсларни руҳлантириш, уларни яқка тартибда террорчилик ҳаракатларини амалга оширишга чорлаш мақсадларини кўзлайди.

“ИШИД” ноқонуний эгалик қилган ҳудудлар аҳолисининг ғоявий тарбиясига катта эътибор қаратган. Қурол кучи ёрдамисиз маҳаллий аҳолининг қўллаб-қувватловига эришиш террорчи ташкилот учун биринчи галдаги вазифалардан бири бўлган.

Террорчи ташкилот фаолиятида аёллар иштироки муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланган⁹. Турли манбаларда “ИШИД” таркибига аёллар жалб этилгани ҳақидаги маълумотларнинг бетўхтов ёритилиши ушбу жинс вакиллариининг террорчи ташкилот сафида қўшилишининг муҳим омили бўлиб хизмат қилган.

“ИШИД” етакчилари учун болалар иштирокидаги ваҳший мазмунга эга медиа маҳсулотларни тайёрлаш ва дунё жамоатчилигининг эътиборини тортиш, энг аввало, психологик аҳамиятга эга масала ҳисобланади. Шу йўл билан террорчи ташкилот ўзига қарши тараф устидан руҳий жиҳатдан устунлигини кўрсатмоқчи, бор эътиборни ўзига жалб этмоқчи ва одамлар орасида ваҳима ҳамда кўркувни кенг ёймоқчи бўлади¹⁰.

Демак мазкур террорчи ташкилотнинг медиа тарғиботи уни қўллаб-қувватловчи аҳоли, аёллар ва болалар томонидан содир этилган турли ваҳшийликлар ифодаланган медиа маҳсулотлари орқали “ИШИД” ўз жиноятларини “янги сифат босқичи”га кўтариб, жаҳон ҳамжамияти, хусусан, дунё оммавий ахборот воситаларининг диққат марказида бўлишга мунтазам интилди, турли йўллар билан шу мақомда қолишга ҳаракат қилди.

³ Milton D. Communication Breakdown: Unraveling the Islamic State's Media Efforts //Combating Terrorism Center, October 2016. p.22.

⁴ Ўша манба. –Б. 30.

⁵ Countering Daesh Recruitment Propaganda Experts Workshop //The Carter Center. –Atlanta, March 2016. https://www.cartercenter.org/resources/pdfs/peace/conflict_resolution/countering-isis/countering-daesh-march-meeting-report.pdf

⁶ Lebovich A. How ‘religious’ are ISIS fighters? The relationship between religious literacy and religious motivation //Brookings Institution. Project on U.S. Relations with the Islamic World. – Washington D.C, April 2016.

⁷ Musharbash Y. Hast du Dschihad-Erfahrung? //Die Ziet. –N 16, 2016; <http://abususu.blogspot.com/2016/04/an-analysis-of-3000-islamic-state-entry.html>

⁸ Dodwell B., Milton D., Rassler D. The Caliphate's Global Workforce: An Inside Look at the Islamic State's Foreign Fighter Paper Trail //Combating Terrorism Center, April 2016. p.19.

⁹ Spencer A. The Hidden Face of Terrorism: An Analysis of the Women in Islamic State //Journal of Strategic Security. Volume 9. No. 3, 2016. p.78.

¹⁰ Benotman N., Malik N. The Children of Islamic State // Quilliam. –London: March 2016. p.27.